

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №12

Навбахор туман

21 VI 2022 йил

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Навоий вилоят асаб рухий касалликлар диспансери номидан низом асосида иш кўрувчи Ж.А.Муродов бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган "ООQ TULPOR ELETSTROY" МЧЖ номидан Устав асосида иш кўрувчи иккинчи томондан А.Ф.Нарзиев таъмирлаш капитал (жорний) таъмирлаш бўйича қўйидаги шартномани туздилар.

## I. ТАРИФЛАР

1. Бажариладиган курилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади. беркитиладиган ишлар тасдикланганлиги тутрисидаги далолатномалар хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдикланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

**курилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб кўйилади ёки бош режага мувофик белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб кўйилади;

**вактнчалик ишишотлар** - Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вактнчалик бинолар ва ишишотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқини** - ишларнинг ҳар бир боскичи ва/ёки турлари кийматини аник белгилаган холда шартнома бўйича объектнинг умумий кийматини боскичларга таксимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Навоий вилоят асаб рухий касалликлар диспансери "Кундузги бўлими" биноси ташқи ва ички заборлари ва бетон йулакларини жорий таъмирлаш ишлари лойихада кўзда тутилган холда жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (Etender.uxex.uz) натижасида аникланган ва тендер электрон карори (2022 йил "\_14\_" ноябрдаги № 183680 соили баённома) билан тасдикланган ишлар киймати барча соликлар, йингимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда жорий нархларда 794 950 772 (Етти юз туксон турт миллион туккиз юз эллек минг етти юз етмиш икки) сўмни ташкил этади.

(сумма ёзув билан)

3.2. Ишлар киймати узил-кесил кисобланади ва кейинчалик кайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

курилиш кийматини кўлпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб булгандан;

ишлар хажми ва тури қатъий равишда ўзгартирилмайди (қонунда кузда тутилган холлар бундан мустасно);

объектнинг курилиши бир йилдан ортикка ўзгартирилганда.

3.3. Курилиш муддати бир йилдан ортик бўлгандага иккинчи йилга ва кейинги йилларни шартномадавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларнида белгиланган тартибда амалга оширилади.



3.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санааб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

4.2. Барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

4.3. Пудратчи шартномага мувофик курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

курилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар куриш;

4.5. Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор килиш;

4.6. Курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза килиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

курилиш таваккалчиларини сугурта килиш;

курилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.7. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

#### V. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

5.2. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага - иловага мувофик ишларни бажариш учун ярокли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

5.3. Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишини таъминлаш;

5.4. Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатла кўриб чикиш ва карор кабул килиш;

5.6. Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

5.7. Мазкур шартнома имзоланган ва тегишли равишда руйхатга олинган кундан бошлаб Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

5.8. Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажариш мажбуриятини беради.

#### VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. Шартнома:

6.2. Миллий валюта "сўмда" ўзаро хисоб-китоб килинганда - томонлар уни имзолаган кундан бошлаб

6.2. Кейинчалик ЭАВга конвертация килган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро хисоб-китоб килинганда - шартнома конун ҳужжатларига мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.



6.3. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.4. Танлов савдолари натижаси бўйича аникланган курилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан 5 кунни ташкил этади.

6.5. Мазкур шартнома бўйича ишлар Смета хужжатларига мувофик амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

6.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 30 фоизи микдорида аванс ўтказали, бу 238 485 232 сўмни ташкил этади.

6.2. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сўнг, кейинги тулов "Бажарилган ишлар" далолатномасига (форма-2) асосан амалга оширилади.

6.3. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хукукини ўзида саклаб колади. Объект Буюртмачига топширилгунга кадар объектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

6.4. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўтгиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу хакда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган холда, шартномага ўзгартришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш хукукига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун хак тўлашдан озод килинмайди.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига асосан ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

8.2. Пудратчи объектда ишларни олиб бориши тартибини давлат архитектура-курилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.3. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

8.4. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўгрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортиқча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тўгрисидаги хужжатларни беради.

8.5. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўгри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўкларининг мувофикалиги тўгри жойлашганилиги учун жавоб беради.

8.6. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиши ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

8.7. Пудратчи геодезия бўлиши ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

8.8. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.9. Пудратчи ўзи томонидан курилишда қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тезничи сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

8.10. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига караб куарти карул килиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитекткурилишназорат" инспекциясини замараввиша хабардор килади.



8.11. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу хакда хабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбуурдир.

8.12. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш кийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбуурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатила етказилган заарларни Буюртмачига тўлади.

8.13. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чикариб ташлайди.

8.14. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул килиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмаслиги билан боғлик тўхтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чикиши тўгрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

9.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошка енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

9.2. Агар енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама киладилар.

9.3. Агар томонлар иккى ой ичига келишига олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга ҳаклидир.

## X. КАФОЛАТЛАР

10.1. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха хужжатларига ҳамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофиклигидан мажбуриятини;

ўзи томонидан курилиш учун кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилиш сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиклигини;

объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланушига жойлашларига мувофиклигини кафолатлайди.



Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиши "Давархитекткурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат килишини истиносо этмайди.

## XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ

11.1. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига boglik бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечикирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларida назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

11.2. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига boglik бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тўхтатиб кўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

11.3. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма карорига кўра тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

11.4. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

11.5. Шартнома бекор килинган тақдирда айбордомон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

11.6. Шартноманинг бир томонлами бекор килинишига йўл кўйилмайди, конун хужжатларida ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

12.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбордомон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплади;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошка конун хужжатларida хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкacha жавобгарликка тортилади.

12.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмагандан сона, ўз вактида молиялаштирумаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузгалилиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисминийг 0.1 фоизи муштақона пения тўлайди, бунда пениянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пения тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни конлашдан озод килмайди.



12.3. Шартномага мувофик бажарилган ишлар ҳажмини тасдиклашдан асоссиз равишда бош тортганилиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиклашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0.1 фоизи микдорида жарима тўлайди.

12.4. Пудратчи объектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0.1 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуксонлар ва качиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0.1 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни коплашдан озод килмайди.

12.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофик бўлмаса, у холда Буюртмачи "Давархитекткурилишназорат" инспекциясининг холосаси асосида объектни кабул килиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортиши, шуннингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 0.1 фоизи микдорида жарима ундириш ҳукукига эга.

12.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошка томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдала ифодаланадиган пеня билан копланмаган заарларни коплайди.

12.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкacha тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

### XIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

13.1. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шуннингдек етказилган заарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

### XIV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

14.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзинималар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

14.2. Пудратчи курилиши объектига ёки унинг алоҳида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳукукига эга бўлмайди.

14.3. Мазкур шартномага барча ўзгаришиш ва қўшимчалар, агар улар амалдаги конунларга

асосланган равишда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳакиқий ҳисобланади.

14.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар кандай аҳдлашувни асосланган холда расмийлаштирилиши ва амалдаги конунларга асосланниб тасдиклаши керак.

14.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонини ўзгарадишига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиши майдонини озод килиш сифасигача бажарилган ишлар учун унга ҳак тўлашни кечикитиришга ҳақлидир.

14.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги иш хужжатлари нормалари кўлланилади.

14.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.



14.8. Шартнома имзоланиб тегишли ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга киради ва амал килиш муддати 31 декабрь 2022 йилгача хисобланади.

#### XV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНИЛЛАРИ:

«Пудратчи»

«Буюртмачи»

“OQ TULPOR ELETSTROY” МЧЖ

Навоий вилоят Кармана тумани “Варқ” МФЙ

Тел.: +998973220200

Х/Р: 20208000705428536001

Банк номи: “Ипотека банк” АТИБ Навоий вилоят  
филиали

МФО: 00205 ИНН: 308789357

Рахбар



А.Ф.Нарзиев

Юрист

Навоий вилоят асаб руҳий касалликлар  
диспансери

Навоий вил, Навбаҳор тумани, “Қалқон ота” МФЙ.

Тел.: (79)-562-87-11 Факс: (79)- 562-87-11  
ИНН: 202906201, ОКЭД: 86220

Л/С: 100021860122307073201054002

Х/Р: 23402000300100001010

Тошкент ш, Марказий банк XKKM

МФО : 00014, ИНН: 201122919

Навоий вилоят бўйича ғазначилик бўлинмаси

Бош врач

Ж.А.Муродов



Х. Ути омов

Юрист

Ф.И.О.

М.У.